“Барқарор иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш” бўйича Наманган тумани штабининг

ҚАРОРИ

12 ноябр 2026 йил №01/02 Наманган тумани

“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 11-сентябрдаги ПФ–193-сон “Барқарор иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 15-сентябрда ўтказилган муҳокама йиғилишининг 33-сон баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган муҳокама йиғилишининг 2026-йил 9-октябрдаги 35-сон баёнида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, фуқароларнинг ёзма равишдаги мурожаати ва “Маҳалла еттилиги”нинг тегишли хулосаларини хамда Наманган туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг 11.11.2026 йилдаги №05/01/57-сонли ўрганиш хулоса хатини кўриб чиқиб, ойлик даромади кам оилалар учун 14 нафар фуқароларга куз-қиш мавсуми учун кўмир маҳсулоти сотиб олиш харажатларига тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, туман штаби,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 11-сентябрдаги ПФ–193-сон “Барқарор иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 15-сентябрда ўтказилган муҳокама йиғилишининг 33-сонли баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган муҳокама йиғилишининг 2026-йил 9-октябрдаги 35-сон баёни ҳамда Наманган туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг тегишли ҳулосаларига асосан, Бешкапа МФЙда яшовчи фуқаролар Собиров Машрабжон, Жўраева Дилбархон Имомалиевна, Бойқўзиев Орифжон, Мелибаев Алижон, Маллаховуз МФЙда яшовчи фуқаролар Холиқова Эркиной Носировна, Холбаева Халима Абдусалом қизи, Дадамирзаева Фотима Пўлатовна, Ғайрат МФЙда яшовчи фуқаролар Джўраева Хуснида Рахимджоновна, Қамбарова Насиба Хошимовнага, Исмоилов Кодир Паттилаевич, Обиджанова Мухайё Хамидулла қизи, Тепа қиёт маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар Маматова Умида Мамаюсуповна, Мамирова Ёқитхон Дилмурадовна, Мамидуллаев Самидуло Қамбаралиевич, жами 14 нафар фуқароларга кўмир махсулоти сотиб олиш бўйича 2026-йил ноябр ойида ёзган мурожаатини белгиланган тартибда кўриб чиқиб, мурожаатда кўрсатилган масала юзасидан 2026-2027-йил куз-қиш мавсуми учун кўмир ёқилғиси сотиб олиш харажатлари учун “**Саховат**

Сканировано с CamScanner

ва кўмак” жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича махалла еттилиги томонидан тузилган хулосаларини ўрганилганлигини маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. “Бешкапа”, “Маллаховуз”, “Ғайрат”, “Тепақиёт”, маҳалла фуқаролар йиғинидаги еттилик аъзолари томонидан 2026-2027 йил куз-қиш мавсуми учун кўмир ёқилғиси сотиб олиш харажатлари учун “Саҳоват ва кўмак” жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича берилган хулосаларини инобатга олинсин.

3. Юқорида номлари қайд этилган фуқароларга *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 9-октябрда ўтказилган муҳокама йиғилишининг 35-сон баёни 2-иловаси 3-бандида кўрсатилган boshqa yoqilg‘i mahsulotlari bilan ta’minlash xarajatlari Ижтимоий рейестрга киритилган ёки ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваригача бўлган оилалар БҲМнинг 3 баробаригача бандига* асосан **“Саховат ва кўмак”** жамғармасидан ҳар бир фуқарога БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори) нинг 3 бараваригача яъни ҳар бир фуқарога 1 320 000 (бир млн уч юз йигирма) млн.сўмдан жами 14 нафар фуқарога 18 480 000 (ўн саккиз миллион тўрт юз саксон минг) сўм **“Саховат ва кўмак”** жамғармаси маблағлари ҳисобидан маблағ ажратилсин.

4. **“Саховат ва кўмак”** жамғармасидан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 9-октябрдаги ўтказилган муҳокама йиғилишининг 35-сон баёни талабига асосан амалга ошириш вазифасини туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси Ш.Ўралов зиммасига юклатилсин.

5. Фуқароларга кўмир махсулотлари сотиб олишга ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли сарфланишини назорат қилиш туман ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари (Ж.Акбаров) ҳамда Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси Наманган туман бўлими бошлиғи (Д. Хошимова)лар зиммаларига юклатилсин.

6. Мазкур штаб қарорига асосан тегишлича (ўринбосарлар ёки жамғарма раислари) сотиб олиниши лозим бўлган материаллар ва хизматларни бажарилишини ташкил этиш, туман ҳокимлиги хузуридаги инфратузилма ва фаровонлик жамғармаси бўйича Давлат харидларини амалга ошириш Комиссиясига, ажратилган мазкур маблағларни мақсадли, самарали ҳамда белгиланган тартиблар асосида сарфланишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Саидазимов), (М.Тўйчиева), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Наманган туман бўлими бошлиғи (Д.Хошимова) ҳамда Инсон ижтимоий хизматлар маркази директори

Сканировано с CamScanner

(С.Бозорова)лар маҳаллалардаги “Ёшлар етакчиси”, “Ижтимоий ходим”, “Хотин қизлар фаоли” томонидан расмийлаштирилган ариза ва ҳужжатларни хаққонийлиги бўйича маҳалла еттилиги фуқарога ёрдам кўрсатилгандан кейин 6 (олти) ой давомида унинг натижасида оиланинг даромади ошганлигини мониторинг қилиб бориши ва натижалари ҳақида туман штабига ёзма ахборот киритиб борсинлар.

8. Мазкур қарорни қабул қилишга асос бўлиб хисобланган маҳалла еттлиги томонидан тақдим қилинган хулосани ҳаққонийлиги ва ишончлилиги юзасидан маҳалла еттилиги жавобгар этиб белилансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи Ш.Абубакиров зиммасига юклатилсин.

Штаб раиси,
Наманган туман ҳокими **С.Мўминов**

Штаб раиси ўринбосари - туман
ҳокимининг биринчи ўринбосари **Ш.Абубакиров**

Штаб котиби - туман камбағалликни
қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи **К.Рафиқов**

Сканировано с CamScanner

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI

IJTIMOIY HIMOYA
MILLIY AGENTLIGI
NAMANGAN TUMANI
"INSON" IJTIMOIY
XIZMATLAR MARKAZI

«11» 11 2026 yil 05/01/57-son

Kambag'allikni Qisqartirish va Aholi daromadlarini oshirish boyicha Namangan tumani shtabi rahbari Namangan Tumani hokimi S.Mo'minovga

Namangan tuman "Inson" Ijtimoiy Hizmatlar markazi, Sizga ushbu bilan shuni ma'lum qiladiki, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 11-sentabrdagi "Barqaror ish o'rinlarini yaratish va kichik biznesni jadal rivojlantirish orqali aholi daromadlarini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 193-sonli Farmoni, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining Hududlarda aholi bandligini va daromadlarini oshirish hamda kambag'allikni qisqartirishga qaratilgan chora-tadbirlar to'g'risidagi 2026 yil 15-sentabrdagi 33-sonli bayoni xamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 9-oktabrdagi "Saxovat va ko'mak", "Ayollar daftari" xamda "Yoshlar daftari" jamg'armalari mablag'laridan foydalanish masalalari bo'yicha o'tkazilgan 35-sonli bayonida berilgan topshiriqlar ijrosini ta'minlash maqsadida G'ayrat MFYda yashovchi Obidjanova Muhayyo Xamidulla qizi Djurayeva Xusnida Rahimdjanovna,Qambarova Nasiba Hoshimovna, Ismailova Kadir Patillayevich.Beshkapa MFYda yashovchilar Sobirov Mashrabjon XXX,Jo'rayeva Dilbarxon Imomaliyevna,Bo'yqoziyev Oribjon XXX,Meliboev Alijon XXX.Mallaxovuz MFYda yashovchi Kholikova Erkinoy Nosirovna,Xolboyeva Halima Abdusalom qizi,Dadamirzayeva Fotimaxon Po'latovna.Tepa Qiyot MFYda yashovchilar Mamirova Yoqutxon Dilmuradovna,Mamatova Umida Mamayusupovna,Mamadaliyev Samidullo Qambaraliyevichlarning oilaviy sharoiti hamda moliyaviy ahvoli og'irligini inobatga olgan holda kuz qish mavsumida zarur bo'lgan ko'mir maxsulotini ajratishda"Saxovat va ko'mak" jamg'armasi hisobidan mablag' ajratilishida amaliy yordam berishingizni so'rayman.

Markaz direktori: **S.Bozarova**

Сканировано с CamScanner